

«Офирон» («Офрон») дан ясалган нисба. У — Насафдаги кишлоклардан бири. Куйидаги олимлар шу кишлокка мансубдирлар:

1.□□□ Абдуллох ал- Офироний (ваф. 1321/1903 й.)

(Абу Солим) Абдуллох ибн Мухаммад ал- Офироний ал-Хасаний — фозил одам бўлган. Асарларидан: «Фихрист» («Кўрсаткич») (17: 2/273).

2.□□□ Мухаммад ас-Сагир ал-Офироний (ваф. 1138/ 1726 й.) (Абу Абдуллох) Мухаммад ас-Сагир ибн Мухаммад ибн Абдуллох ал-Офироний ал-Марокаший — асли офиронлик муаррих, адиб, Марокашдаги ал-Мавло Исмоил салтанатидаги давлат арбобларидан бўлган. Унинг асарлари-дан: «Сафва ман инташара мин ахбори сулаҳои-л- карни-л-ходий ашара фи давлати-с-саъдия фи марокаш» («Марокашдаги саадийлар давлати хақида ўн биринчи аср солих- ларининг хабарларини таркатганларнинг энг саралари»), «ал-Малик ас- сахл фи шархи тавшихи ибн Сахл» («Бандлари турлича кофияланган Ибн Сахл шеърларининг шархи хақидаги «Малик ас-Сахл» номли асар) (17: 3/603).

3.□□□ Мухаммад ал- Офироний (1080-1140/ 1669-1728) (Абу Абдуллох) Мухаммад ибн Мухаммад ас-Сагир ал-Офироний — факих, мухаддис, хофиз, муаррих, адиб, шоир, нахвшунос ва баёншунос олим бўлган. Тахм. 1080 х.й.да Марокашда таваллуд топган. Тахм. 1140 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарху-т- тавших» («Бандлари турлича кофияланган шеърларга шарх»), «Талъату-л- муштарий фи тавбати-з- Замахшарий» («Замах- шарийнинг тавбаси хақидаги Муштарий — Юпитер сайёрасининг чиқиши»), «ал-Ифодот ва- л-ишорот» («Ифодалар ва ишоралар») (17: 3/648).

4.□□□ Ал-Васир ал- Офироний (Абу Мусо) ал-Васир ибн ал-Мунзир ибн Жанак ал- Офироний ан-Насафий. У «Калому-з-зухход» («Зохидлар каломи»)ни ривоят қилган (2: 1/74; 11: 1/ 64).

5.□□□ Мухаммад ибн Самъон ал-Офироний (ваф. 413/1023 й.) (Абу Бакр) Мухаммад ибн Иброхим ибн Самъон ал- Офироний — факих бўлган. Бухорода муқим яшаган ва 413 х.й. шаввол ойида, ёши саксондан ошганда, шу ерда вафот этган (11: 1/65).

6.□□□ Мухаммад ибн Хомид ал-Офироний (ваф. 422 Х.й.) (Абу Ахмад) Мухаммад ибн Акмад ибн Амру ибн Наср ибн Хомид ал- Офироний. 422 х.й.да Офиронда вафот этган (11: 1/65).

7.□□□ Аш-Шаъбий ал- Офироний (ваф. 383/993 й.) Абулфазл аш-Шаъбий ибн Абдуллох ибн Мансур ибн Наср ибн Форис ал- Офироний, лақаби — Шох. У бандаргоҳлардаги байроқларни йигиб юрвчи ва кўп ҳадис айтувчи шахе бўлган. 383 х.й. муҳаррам ойининг бошида вафот этган (11: 1/65).

8.□□□ Жаброил ал- Офироний (Абу Мухаммад) Жаброил ибн Авн ал- Офироний — қудамолардан ва Мухаммад ибн Исмоил ал- Бухорийнинг дўсти ҳамда Насафда турган вақтда, унинг айтганларини ёзиб олувчи бўлган (11: 1/65).

9.□□□ Абдулмалик ал- Офироний (ваф. 388/998 й.) Абултаййиб Абдулмалик ибн Исхок ибн ал- Мухтадий ал-Офироний — адиб ва шоир бўлган. Марвга борган ва у ерда факих бўлиб етишган. 388 х.й. шаъбон ойининг иккинчи ўн кунлигида вафот этган (11: 1/65).

10.□□□ Абдуссалом ал- Офироний (ваф. 400/1010 й.) Абу Тамом Абдуссалом ибн Исхок ибн ал- Мухтадий ал-Хомидий ал- Офироний — шоғиъий факих, адиб ва шоир бўлган. 400 х.й.нинг шаввол ойида вафот этган (11: 1/65).

11. Мухаммад ал- Офироний ал-Хомидий (Абу Бакр) Мухаммад ибн Ахмад ибн ал-Офироний ал-Хомидий. У уламолардан хадис айтган (2: 1/269).